# Qishloq hayoti

Қишлоқ хаёти

2016 йил

Соғлом она ва бола йили

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2016-YIL 6-FEVRAL, SHANBA, 16 (8567)-son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.


Наманган Вилояти

ВАТАН ҲИМОЯСИ – МУҚАДДАС БУРЧ

## ОҚ ЙЎЛ СИЗГА, ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ!

**Наманган вилояти мудофаа ишлари бошқармаси йиғин пункти одатдагидан гавжум. Бу ерда муддатли ҳарбий хизматга отланаётган ёшларнинг дастлабки гуруҳини давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ва ота-оналар иштирокида тантанали кузатиш маросими бўлиб ўтди.**



Президентимизнинг 2015 йил 23 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси фуқароларини муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги чақируви ҳамда белгиланган хизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қуролли Кучлар резервига бўшатиш тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида ташкил этилган тадбирда Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимиз Қуролли Кучларида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида миллий армиямиз сафида хизмат қилиш бугунги кунда ёшларимиз учун шон-шараф ишига айланганини таъкидланди.

– Мен мамлакатимиз Қуролли Кучлари сафига қабул қилинганимдан жуда фахрланаман, – дейди Норин туманидан муддатли ҳарбий хизматга чақирилган Иброҳим Жакбаралиев. – Бу дунёқарашимда катта ижобий ўзгариш ясади. Муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлгач, шартнома асосида қолиб хизматни давом эттиришни ўз олдимга мақсад қилганман.

– Ватанимиз осойишталиги, халқимиз тинчлигини қўриқлаш, керак бўлса, бу йўлда жонни фидо қилиш ҳар бир йигит учун муқаддас бурч бўлмоғи керак, – дейди Уйчи туманида истиқомат қилувчи Малика Солиева. – Икки ўғлим ҳарбий хизматчи. Бугун ана шундай юксак ишонч билдирилиб, муддатли ҳарбий хизматга чақирилган ўғлонлар орасида яна бир фарзандим борлигидан беҳад шодман.

Кузатув маросимида куй-қўшиқлар янгради. Муддатли ҳарбий хизматга йўл олган чақирилувчиларга эсдалик совғалари топширилди.

Тадбирда Наманган вилояти ҳокими Х.Бозоров сўзга чиқди.

**А.САТТОРОВ,**
**ЎзА мухбири.**




Жиззах Вилояти

## ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАЖМИ ОРТМОҚДА

*Полиэтилен қувур ва плёнкалар ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Jizzax polimer plast" масъулияти чекланган жамияти жамоаси ўтган йили мамлакатимизнинг турли ҳудудларидаги 160 дан ортиқ истеъмолчиларга 7 миллиард сўмлик маҳсулот етказиб берди. 2014 йилга солиштирганда масъулияти чекланган жамиятида ишлаб чиқариш ҳажми қарийб 800 миллион сўмга ортган.*

"Jizzax polimer plast"да тайёрланаётган юқори босимга чидамли, айланаси 16 миллиметрдан 500 миллиметргача бўлган газ ва сув қувурларига талаб йилдан йилга ортиб бормоқда. Жамият мутахассисларининг маҳсулотга 80 йиллик кафолат беришаётганлиги ҳамда металл қувурларга нисбатан нархининг икки баробар арзонлиги харидорлар эътиборини тортмоқда. Қолаверса, полиэтилен қувурлар ташиш ва сақлаш учун жуда қулай.

2008 йилда 7 нафар ишчи билан фаолият бошлаган корхона ҳозирда 21 та иш ўрнига эга. Шу йилнинг биринчи чорагидан бошлаб мазкур саноат қувватида полиэтилен қувурлар учун 10 турдаги бутловчи қисмлар ҳамда фитинглар тайёрлаш йўлга қўйилади. Шунда иш ўринлари сони яна 4 тага ортиши кутилмоқда.

**Алижон АБДУСАТТОРОВ**

Қашқадарё Вилояти

## ТАБИАТ ИНЪОМЛАРИДАН ДОРИ-ДАРМОНЛАР

*Китоб туманида доривор гиёҳлар тайёрлашга ихтисослашган кичик корхона иш бошлади.*

Бу ерда уч хилдаги доривор ўсимлик – наъматак меваси, далачой ва тирноқгулга ишлов берилиб, 50 ва 100 граммлик ўрамларда қадоқланган ҳолда истеъмолчиларга етказиб берилябти.

– Ушбу лойиҳа учун 80 миллион сўмга яқин маблағ сарфланди, – дейди "Китобфарм" корхонаси раҳбари Санжар Аҳмаджонов. – Шифобахш хусусиятга эга доривор гиёҳлар шартнома асосида Китоб ва Жовуз давлат ўрмон хўжаликлари ҳамда Яккабоғ ўрмон хўжалигидан келтирилмоқда.

Корхонада ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш эвазига олтита янги иш ўрни яратилди.

– Шаҳрисабз тиббиёт коллежини тамомлаб бу ерга ишга келдим, – дейди ишчи Азиза Очилова. – Ушбу корхонада меҳнат қилишнинг ўз гашти бор. Биз доривор гиёҳларни истеъмолга тайёрлаш давомида кўпгина янги маълумотларни ҳам ўрганиб боряпмиз.

**Ҳусан ТЕМИРОВ**

Самарқанд Вилояти

*Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиалида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишнинг 2016 йилга мўлжалланган чора-тадбирлар дастури доирасида учрашув бўлиб ўтди.*

## ВИЛОЯТ ҲОКИМИ ЁШЛАР БИЛАН УЧРАШДИ

Президентимиз раҳнамолигида ёш авлоднинг ҳар томонлама соғлом ва баркамол улғайиши, замонавий таълим-тарбия олиши, касб-ҳунар эгаллаши учун барча шароит яратилаётгани алоҳида таъкидланди. Бу борада қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳаётга татбиқ этилаётгани эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучи бўлган ёшларнинг замон талаблари даражасида билим олиши ва жамиятда муносиб ўрин топишига хизмат қилмоқда. Ана шундай эътибор ва ғамхўрлик самараси бугунги кунда вилоятдаги 8 олий таълим муассасаси, 175 касб-ҳунар коллежи ва академик лицей, 1 минг 220 умумтаълим мактаби фаолиятида, уларда таҳсил олаётган ёшлар эришаётган натижаларда ўз ифодасини топмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 2 июндаги "Ахборот технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори асосида ташкил этилган Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиали ҳам етук мутахассислар тайёрлаб бераётган олий таълим даргоҳларидан. Ўтган қисқа даврда бу ердан замонавий ахборот технологиялари йўналишлари бўйича 2 минг 800 дан ортиқ ёш мутахассис етишиб чиқди. Айни пайтда 1 минг 229 нафар ёшлар бакалавр ва магистратура йўналишларида таҳсил олмоқда.

Юртимизда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш ва ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишларда мазкур таълим даргоҳи профессор-ўқитувчилари ва талабалари ҳам фаол иштирок этаётир. Филиалда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти идоралари ходимларининг ахборот-коммуникация технологиялари бўйича малакасини ошириш мақсадида ўқув курси ташкил этилган. 2015 йилда Самарқанд, Бухоро ва Жиззах вилоятларидан 6 мингга яқин раҳбар ва мутахассис малакасини оширди. Вилоят "Компьютерлаштириш маркази" билан ҳамкорликда кейинги икки йилда туман ва шаҳар ҳокимликлари учун 14, вилоятдаги бошқа ташкилотлар учун 12 веб-сайтлар яратилди.

Учрашувда филиалда дастурлаш ва телекоммуникация соҳасида мутахассис кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратиш ҳамда моддий-техник базани такомиллаштириш, янги ўқув-илмий лабораториялар ташкил этиш, хорижий мамлакатларда малака оширишга юбориладиган ўқитувчилар сафини кенгайтариш юзасидан фикр алмашилди.

Тадбирда Самарқанд вилояти ҳокими З.Мирзаев сўзга чиқди.

**Ғ.ҲАСАНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## ФАОЛИЯТИМИЗ РИВОЖИ УЧУН МУҲИМ ДАСТУР

### ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ СЕССИЯСИДАГИ НУТҚИ ЖОЙЛАРДА КЕНГ ЎРГАНИЛМОҚДА

Давлатимиз раҳбари мамлакатимизнинг ҳар бир гўшасига, жумладан, Тошкент вилоятига ҳам алоҳида эътибор ва меҳр билан қарайди. Одамларнинг тақдирини, фарзандларимиз келажагини қалбига яқин олиб, ҳудуд ривожига тўсиқ бўлаётган камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш йўлини кўрсатиб беради.

Кечаги сессияда ҳам шундай бўлди. Президентимизнинг "...Тошкент вилоятини мамлакатимиз ҳаётида янада юқори ўринга кўтариш, бу ерда яшаётган 2 миллион 770 мингдан зиёд аҳолининг тобора ўсиб бораётган талаб ва эҳтиёжларини муносиб даражада таъминлаш, айтиш керакки, бугун ҳам, эртага ҳам, ҳеч шубҳасиз, энг долзарб вазифамиз бўлиб қолади" деган сўзларини ўқиб, ҳаммамиз хурсанд бўлдик.

Юртбошимиз вилоятнинг деҳқон ва фермерларига, барча меҳнатчиларига чуқур миннатдорлик билдириб, ҳосилимиз мўл бўлишини тилаганларида тўлқинланиб кетдим. Гўё танамда қўшимча куч, елкамда қанот пайдо бўлди.

Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йилларида наслчиликка ихтисослашган "Роҳатой" фермер хўжалигига асос солиб, 30 бош жайдари қорамолни боқувга қўйган эдик. Биласиз, маҳсулот мўл ва сифатли бўлиши учун, аввало, мустаҳкам озуқа базасини яратиш зарур. Ўша йиллари ем-хашак етиштириш учун атиги 10 гектар еримиз бўлган. Ният ва шунга яраша ҳаракат қилсанг, эътибор ва шароит бўлса, ҳамма нарсага эришиш мумкин экан. Тижорат банкидан 241 минг доллар миқдорида имтиёзли кредит олиб, хориждан 70 бош наслли мол келтирдик.

Бунда Юртбошимизнинг шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришга оид қарори жуда қўл келди. Шунга ҳам етти йил бўлибди. Шу вақт ичида моллар ўзидан кўпайиб, 330 бошдан ошди. Ўтган йили Германиядан 60 бош қорамол олиб келдик. Ҳозир фермадаги моллар 400 бошга етди. Улар Ўзбекистон наслли молларининг "Олтин фонди"га киритилган.

Экин майдонимиз қарийб 20 баробар кенгайди. Натижада ишчиларимизнинг ҳам моддий манфаатдорлиги ошди, турмуш фаровонлиги юксалди. Янги иш ўринлари яратилди. Айни пайтда кунига қарийб тўрт тонна сут, йилига юзлаб тонна гўшт олаяпмиз. Бултур умумий даромадимиз бир миллиард сўмни ташкил этди. Бу даромаддан "Captiva" олдик.

Энг катта ютуғим – Президентимиз фармонига мувофиқ "Шуҳрат" медали билан тақдирланганимдир...

**(Давоми 2-саҳифада)**

Сирдарё Вилояти

## ОБИҲАЁТНИ ТЕЖАШ ИМКОНИЯТИ КЕНГАЙДИ

*Сардоба туманидаги "ЮР-15-А" каналининг 2,5 километрини бетонлаштириш, реконструкциялаш ишлари бажарилиши ҳисобига фермер хўжаликларининг 1000 гектардан ошиқ экин майдонларини суғориш имкониятлари янада кенгайди.*

Бу ишларни бажаришга 1 миллиард 302 миллион сўмлик маблағ сарфланди. Амалга оширилган ишлар натижасида иншоотда сув ўтказиш тезлиги ошиши билан бирга обиҳаёт исрофгарчилигига барҳам берилди. Таъмирлаш, бетонлаштириш жараёнида сув тақсимлаш, қабул қилиб олиш ва узатиш иншоотлари ҳам тўлиқ янгиланди.

**Бозорбой БЕКМУРОДОВ**

Андижон Вилояти

ҚИШ ФАСЛИ — ИШ ФАСЛИ

## БУГУНГИ ИШНИ ЭРТАГА ҚОЛДИРМАГАН ЮТАВЕРАДИ

**Улуғнорликлар "Оғабек замини" фермер хўжалиги раҳбари Каримжон Мамажоновни бир сўзли деҳқон сифатида эътироф этишади. У ҳар ишда "етти ўлчаб бир кесишга" одатланган бўлиб, фермер бўлганидан буён бирор марта ер чизиб қолмаган. 2015 йилнинг ёзида туманда ҳар гектар ердан режага қўшимча равишда икки центнердан пахта етиштириш ташаббуси кўтарилди. Каримжон Мамажонов ҳамкасблари даврасида ушбу ташаббусга қўшилганлигини айтар экан, мўлжални янада мўлроқ олишга даъват этди.**

Яқинда "Улуғнор-Мазгилсой" ирригация тизими бошқармаси бошлиғи Камолиддин Абдуллаев билан Марказий Фарғона чўлидаги фермерлар ҳузурида бўлдик. "Улуғнор" массиви томон борар эканмиз, шўр ювиш ниҳоясига етаётган далаларга кўзимиз тушди. Камолиддин Абдуллаев мазкур далалар "Оғабек замини" фермер хўжалигига тегишли эканлиги, унинг раҳбари Каримжон Мамажоновнинг иш ортидан қувишини ва шунга яраша натижаларга эга бўлишини сўзлаб берди. Бироз юрганимиздан сўнг эса Каримжон Мамажоновни дала бошида учратдик.

Салом-аликдан сўнг биз фермердан ўтган йилги ташаббус ва унинг натижаси ҳақида сўрадик. Мулоқотимиз давомида шуни билдикки, сўз юритилаётган фермер хўжалигида ҳосил шу қадар мўл бўлибдики, ҳар гектар ердан режадаги 20,8 центнер ўрнига 29,5 центнердан ҳосил олинибди. Биз ушбу рақамларнинг иқтисодий жиҳатига эътибор қаратдик. Каримжон Мамажонов етиштирилган барча ҳосил биринчи навга қабул қилинганлигини кўтаринкилик билан айтиб берди. Демакки, фермер йил ўн икки ой қилган меҳнатидан рози.

– Устозларимиз бежизга ҳосил кўчатдан чиқади, деб айтишмаган, – дейди Каримжон Мамажонов. – Далаларимизда шўрланиш бор. Шўр ювиш ўтказилмаса, билингки, ҳеч қачон текис кўчат олиб бўлмайди. Вақти-вақти билан мелиораторлар тупроқдан намуна олишиб, ернинг ҳолатини айтиб туришади. Биз эса ана шу хулоса бўйича ҳаракатга тушамиз. Барча майдонларни чуқур шудгорлаб, текислаб сўнгра чел олиб, сув очдик. Кўриб турганларингиздек, бостириб берилган сувни ер шимиб бўлди. Яна бир сидра дала айланиб қайси далада такрорий шўр ювиш зарурлигини аниқлаймиз. Ер ости суви қанча чуқурга кетса, кўчатимиз тўла бўлишига кафолат бўлади.

"Андижон" массивидаги фермерларнинг экин майдонлари шўрланиш даражаси бўйича юқори туради. Ана шундай шароитда деҳқончилик юритаётган "Саидқуловлар оиласи" фермер хўжалиги раҳбари Абдуллажон Саидқуловнинг эришаётган натижаларига атрофдагилар ҳавас билан қарашади. У ҳам деҳқончиликни юргизишда иқтисодий таҳлилга эътиборини қаратади. Шундан бўлса керакки, қўли узун. Қўшни фермерлар билан биргалашиб юқори унумли "Орион" трактори сотиб олингани эса ҳайдов, ер текислаш, чел ва пушта олиш каби агротехник тадбирларни ўз вақтида, сифатли бажариш учун имконият яратди.

"Улуғнор-Мазгилсой" ирригация тизими бошқармасининг "Андижон-1" гидроучасткаси бошлиғи Иззатилла Тошпўлатов аввалги йили тубдан қайта қурилган "Ха-35" канали шарофати билан фермерларнинг ишида ўзгариш бўлаётганлигини айтар экан, Абдуллажон Саидқуловнинг далаларини кўришга таклиф этди. Барча далаларда челнинг баланд олинганлиги, сувнинг бостириб берилганлиги фермернинг шўр ювишга эътибори баланд эканлигини кўрсатиб турибди. Деҳқоннинг шўр ювишга қай даражада муносабатда бўлганлиги бугун бўлмаса, эртага ойдинлашади. Даланинг у ёки бу ерида кўчат бўлмаса, билингки, фермер шўр ювиш борасида ўзини ўзи алдаган бўлиб чиқади. Кўчатнинг ҳисобини олишга одатланган фермер эса ҳеч қачон ютқазмайди.

**(Давоми 2-саҳифада)**

**(Боши 1-саҳифада)**

Бундан 30 йилча аввалги ҳолат кўз олдимдан ўтаяпти. Саксонинчи йиллар охири, колхозда зоотехник эдим. Яйловлар кескин қисқариб борар, ем-хашак етишмаслигидан ҳатто уй хўжаликлари ҳам мол боқишга қийналарди. Хуллас, яйловлар қисқариши моллар туёқ сони камайишига жиддий таъсир қилди. Устига-устак озуқа муаммо, денг. Ветеринария хизмати ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Кўплаб қилиб бўлмайдиган ютуқларга эришмоқдамиз.

Сессияда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бирламчи қайта ишлаш даражасида сотилаётгани оқибатида катта миқдорда қўшимча даромад олиш имконияти бой берилаётгани танқид қилинди. Бу сўзлар мен учун ҳам катта танбеҳ, сабоқ бўлди. Пойтахтимиз билан ёнма-ён яшаб, барча имкониятларга эга бўла туриб бундан фойдаланмаслик, очиғини айтганда, уят.

# ФАОЛИЯТИМИЗ РИВОЖИ УЧУН МУҲИМ ДАСТУР

чорва моллари нобуд бўлди. Касаллик тарқалишидан шахсий хўжаликлар ҳам иқтисодий зарар кўрди. Бундай нохуш ҳолатнинг олдини олиш зарурлигини кўпчилик мутасаддилар унутиб қўйганди гўё. Энг ачинарлиси, аҳолининг бошқа озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаби ҳам айтарли қондирилмасди. Шундай оғир вазиятда республикамизга энди раҳбар бўлиб келган Ислом Каримов бу масалани зудлик билан ҳал этиш зарурлигини, бундан буёғига эскича яшаб бўлмаслигини энг юқори минбарларда баралла айтиб, ҳар томонлама пухта ўйланган режаларни кун тартибига қўйди. Бу гаплардан одамларнинг кўнглида эртанги кунга умид учқунлари пайдо бўла бошлади...

Мустақиллик шарофати, давлатимиз раҳбарининг узоқни кўзлаб амалга ошираётган оқилона сиёсати туфайли бир пайтлар орзу ҳам

Президентимиз бунинг учун нималар қилиш кераклигини ҳам белгилаб берди. Ташаббус ва яна бир бор ташаббус кўрсатиш, тадбиркорлик ва изланувчанлик билан яшаш, тараққий этган давлатлардан энг замонавий технологияларни олиб келиб, янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш, чиқараётган тайёр маҳсулотларимизнинг сифати ва рақобатдошлигини ошириш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг нутқи барча соҳа вакиллари, хусусан, биз фермерлар зиммасига улкан масъулият ва вазифалар юклайди. Ишимизни ташкил этиш, самарадорликни янада оширишда йўл кўрсатувчи муҳим дастур бўлади.

**Жўра МАҲАМАТОВ,**
**Тошкент вилояти Зангиота туманидаги "Роҳатой" фермер хўжалиги раҳбари.**
(ЎзА)

# ЙЎЛОВЧИЛАРГА ЯНАДА ҚУЛАЙЛИКЛАР ЯРАТИЛМОҚДА

**Миллий матбуот марказида Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг ўтган йилдаги фаолияти ва истиқболдаги устувор вазифаларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.**

Унда таъкидланганидек, бугунги кунда юртимизда йўловчиларнинг автотранспорт хизматларидан унумли фойдаланишлари учун барча қулайликлар яратилган. Автомобиль транспорти хизматлари кўрсатишни янада ривожлантиришга қаратилган чора-тарбирлар эса ўз самарасини бераётган бўлиб, бунда, энг аввало, йўловчилар хавфсизлигини таъминлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги томонидан ўтган йилда йўловчи ташиш йўналишларини такомиллаштириш мақсадида 133 та очиқ тендер ўтказилди. Ҳозирги кунда йўловчи ташиш йўналишлари сони 4346 тага етди. Уларнинг 997 таси шаҳар, 2732 таси шаҳар атрофи ҳамда 617 таси эса шаҳарлараро йўналишларда фаолият юритмоқда.

Ҳисобот даврида 65 та йўловчи ташиш йўналиши ташкил этилиб, хизмат кўрсатиш учун 524 та автотранспорт воситаси бириктирилди.

Анжуманда Агентлик ва унинг барча ҳудудий бўлимларида лицензия беришнинг соддалаштирилган тартиби – "Ягона дарча" тамойили жорий этилганлиги қайд этилди.

Тадбир давомида агентлик томонидан 2016 йилда амалга оширилиши режалаштирилган ишлар хусусида ҳам маълумот берилди.

**Жалолиддин ЭШНИЁЗОВ**

Наманган Вилояти

БОЛАЛАР СПОРТИ

# БУ МАСКАНДА УЛҒАЯР БАРКАМОЛ АВЛОД

*Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни, айниқса, болалар спортини ривожлантиришга қаратилаётган эътибор ўз самарасини бермоқда. Бу жараёнда Ўзбекистон Республикаси Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг фаолияти муҳим аҳамият касб этаётир. Ўтган даврда ушбу жамғарма маблағлари ҳисобидан замонавий спорт мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, спорт иншоотлари, сузиш ҳавзалари, спорт майдончалари бунёд этилди. Улар энг сўнгги русумдаги спорт анжомлари билан жиҳозланди. Ҳозирда бу ерда спортнинг барча турлари билан мунтазам шуғулланаётган ёш авлод дунёнинг нуфузли мусобақаларида иштирок этиб, юксак ғалабаларни қўлга киритмоқда.*



Чуст туманидаги 64-умумтаълим мактабининг янги қурилган замонавий спорт зали фойдаланишга топширилди. Унда волейбол, баскетбол, гандбол, мини футбол, футбол каби спорт турлари бўйича ташкил этилган тўгаракларда самарали машғулотлар учун барча шароит мавжуд.

**Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган сурат.**

Ана шундай ишларнинг амалий натижаларини Наманган вилоятида мисолида кўриб чиқсак. Ўтган даврда, яъни 2003-2015 йиллар мобайнида жамғарма маблағлари ҳисобидан вилоятда 179 та замонавий спорт иншоотлари фойдаланишга топширилди. Биргина ўтган йилда 16 та спорт иншоотлари бунёд этилди. Бугунги кунда Наманган шаҳрида сув спорти, бадиий гимнастика, таэквон-до, ўқ отиш ва қиличбозлик, Косонсойда волейбол ҳамда қўл тўпи, Наманган туманида футбол, кураш, Норин туманида бокс ва қўл тўпи, Тўрақўрғон туманида бадиий гимнастика, белбоғли кураш ҳамда дзю-до, Уйчи туманида кураш, баскетбол, Учқўрғон туманида чим устида хоккей, футбол, енгил атлетика, Чустда стол тенниси, Янгиқўрғонда волейбол ва оғир атлетика каби спорт турлари тобора тараққий этиб бормоқда.

– Ҳозирда мактабимизда 30 нафар мураббий 930 нафардан кўпроқ ўғил-қизларга спортнинг эркин кураш, баскетбол, волейбол, стол тенниси, бадминтон каби турлари бўйича машғулотлар олиб боришмоқда, – дейди 16-Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мураббийи Илҳомжон Сиддиқов. – 2015 йил жамоамиз ҳаётида унутилмас воқеаларга бой бўлди. Ўзбекистон Республикаси Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг 2 миллиард 701 миллион сўм маблағи ҳисобига барча қулайликларга эга бўлган мактабнинг икки қаватли маъмурий биноси, 18x42 ўлчамдаги махсус тўшамали спорт зали янгидан барпо этилди. 60x102 ўлчамдаги стадион таъмирланиб, бу ерга 3000 та ўриндиқ ва унинг тепасига ёзда қуёш тафтидан, куз ва қиш фаслларида ёмғир ва қордан ҳимоя қиладиган замонавий томёпқичлар ўрнатилди. Бундан ташқари, югуриш, узунликка сакраш йўлаклари, баскетбол, волейбол майдончалари қурилди. Жорий йилда футбол, бадиий гимнастика, бокс, оғир ва енгил атлетика йўналишлари бўйича гуруҳлар ташкил этилиши режалаштирилган. Шогирдларимиз орасида мамлакат, халқаро мусобақалар ғолиблари бор.

Уйчи туманида фойдаланишга топширилган 18x24 ўлчамдаги спорт залида нуфузли мусобақаларни ўтказиш учун барча шароитлар мавжуд. Айни кунларда бу спорт иншоотида 2000-2001 йилларда туғилган қизлар ўртасида волейбол бўйича вилоят биринчилиги ўтказилмоқда. Айтиш жоизки, шундай спорт зал яна биттага кўпаяди. Яъни, Поп туманидаги 13-БЎСМ учун қурилаётган зал ва сузиш ҳавзаси яқин кунлар ичида ёш спортчилар ихтиёрига топширилади.

Айни пайтда Наманган вилоятидаги спорт иншоотларида 228 минг нафардан кўпроқ ёшлар спортнинг барча турлари билан мунтазам шуғулланиб келишмоқда. Уларнинг 55 фоизини қиз болалар ташкил этаётгани яна ҳам қувонарли. Бу эса ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етаётганидан далолат.

Мухтасар айтганда, ҳар қандай жамият соғлом ва баркамол, Ватанига садоқатли фарзандлари билан фахрланади.

**Равшанбек МИРЗАОЛИМОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Хоразм Вилояти

БОҒДОРЧИЛИК

# ҲАР ШОХНИНГ, ҲАР БАРГНИНГ ЎЗ ВАЗИФАСИ БОР

Шовотлик тажрибали деҳқон Рўзимбой Отажоновни нафақат воҳаликлар, балки юртимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам фидойи боғбон сифатида яхши билишади. У ўз боғида экиб ёки пайвандлаш орқали кўпайтирган гожи, қрим қарағайи, туйя, туркман арчаси, банан, Ҳазорасп олмаси, Наманган нашватиси каби мевали ва манзарали дарахтларни эндиликда юртимизнинг кўпгина ҳудудларида учратишингиз мумкин.

– Тарихий манбаларда қайд қилинишича, воҳада боғдорчиликнинг ривожи – мевали дарахтларга шакл бериш тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалар экан, – дейди Рўзимбой ака. – Хусусан, Каттабоғ, Юқорибоғ, Уллибоғ каби қишлоқлар тарихи ҳам боғ ва боғдорчилик билан боғлиқ. Ота-боболаримиз мевали дарахтларга шакл бериш орқали олма, шафтоли, нашватиларнинг умрини узайтирганлар. Уларни турли хил зараркунанда ҳашоратлардан ҳимоя қилиб, сифатли ва мўл-ҳосил етиштиришган.

Ҳақиқатан ҳам, мевали дарахтларга ўз муддатида тажрибалар асосида шакл берилса, ҳосилдорликни оширишга эришилади. Одатда мевали дарахтларга шакл бериш ҳам кўчат ўтқазишнинг илк кунларидан бошланиб, ҳар йили қиш мавсумида амалга оширилиши лозим. Халқимизда "Ниҳолни ёшлигида хоҳлаган томонга эгади боғбон, лекин ҳеч ким тўғрилай олмас шохлар ўсиб, бўлганда йўғон" деган сўзлар бежиз айтилмаган.

– Дарахтларга шакл беришнинг 14 дан ошиқ фойдали томонлари бор, – дейди боғбон. – Яъни мевали дарахт шохлари бақувват ривожланиб, уларда мевалар кўп бўлганда ҳам синишдан сақлайди, совуққа чидамлигини оширади. Шунингдек, дарахт шохлари орасидан шамол ўтиб туриши натижасида зараркунанда ҳашоратлар кўпайишига имкон қолмайди, дарахтларнинг умри узаяди. Иккинчи томондан, мевали дарахтлар орасига қуёш нурлари бир текис тушиб, мевалари йириклашади, улар таркибидаги шакар ва бошқа фойдали элементлар салмоғи ортади. Энг муҳими, ҳосилдорлик уч бараваргача кўпаяди. Дарахтнинг ҳар йили ҳосил бериши таъминланади.

Аслида мевали дарахтларда шох ва баргларнинг ҳам ўзига хос вазифаси бор. Яъни бир дона олманинг ширин ва сифатли бўлиб етилиши учун дарахтнинг 12 та барги, бир килограмм мева етиштириш учун эса 2 квадрат метр барг хизмат қилади. Шундай экан, шакл бериш жараёнида ана шу омилларга, хусусан, мевали дарахтларнинг ўсиб-ривожланишга ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим. Одатда шакл беришда асосан бир йиллик новдалар олиб ташланади. Яъни 25-30 сантиметр узунликдаги новдаларнинг четга қараган куртаклари устидан қирқилади. Уни ҳар йили шу тариқа амалга ошириш лозим.

Бундан ташқари, шакл бериш ишларида дарахтнинг ёши, нави ва кутилаётган ҳосил салмоғини ҳам ҳисобга олиш зарур. Биринчи галда, уруғли, сўнгра данакли мевали дарахтлар буталади. Олма, нок, гилос, олхўри мевали дарахтларига ярусслмон, шафтолига эса 3-5 та шох қолдириб, кўзасимон шакл берилади. Сийраклаштирилган ярусли тизим асосида тўлиқ шакл берилганда, 5-7 та бирламчи шохлар бўлиши керак. Мевали дарахтларни буталашда, биринчи навбатда, синган, касалланган, бир-бирига тегиб турган шохлар олиб ташланади. Бошловчи шохдан ўсиб келаётган новдалар ва бир йиллик новдалар қисқартирилади. Агар новдаларнинг ўсиши кўнгилдагидек бўлмаса, ривожланишини тезлатиш мақсадида улар 2-3 йиллик шохларга тақаб кесилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, шакл беришда буталаётган шохларнинг йўғонлиги жиҳатидан асосий (лидер) шохдан ошиб кетмаслиги лозим. Биргина олма дарахти хусусида тўхталадиган бўлсак, у новдалари ва мевали куртакларига қараб турлича ҳосилга киради.

Ана шу хусусиятларни назарда тутган ҳолда олманинг навларини 4 гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчи гуруҳга мансуб навлар мева куртакларини уч йиллик шохларда, иккинчи гуруҳга кирадиганлари эса икки йиллик шохларда, учинчи гуруҳдаги олмалар ўтган йилги новдаларда ва тўртинчи гуруҳга мансублари шу йилги новдаларда ҳосил тугади. Шулардан сўнгги гуруҳларга мансублари ҳар йили ҳосил беради.

Воҳа шароитида боғбонлар мевали дарахтлар паст танали қилиб шакл беришади. Бунинг сабаби, шундай қилинганда мевали дарахтлар жуда эрта ҳосилга кирар экан. Қолаверса, дарахтнинг совуқ ва иссиққа чидамлилиги ошар экан.

Мевали дарахтларга шакл бериш ишларини кеч кузда бошлаб, эрта баҳоргача олиб борилса мақсадга мувофиқдир. Ҳаво ҳарорати 10 °С даражадан паст бўлган кунларда бу тадбирни вақтинча тўхтатиш лозим. Шакл бериш ишларини баҳорда, яъни новдаларда сув юра бошлашидан олдин тўхтатиш шарт.

Рўзимбой Отажонов ҳозир "Рўзимов Ҳаётбек" фермер хўжалигини бошқармоқда. Шу билан бирга, ҳаваскор боғбонларга мевали дарахтларга шакл бериш, янги кўчатлар тайёрлаш, пайвандлаш, боғларнинг парвариши бўйича маслаҳатлар бериб туради.

Сирасини айтганда, Рўзимбой ака боғбону соҳибкорларнинг яқин маслаҳатчиси, ҳамкоридир. Янги боғ яратмоқчи бўлганларнинг кўпчилиги ундан йўл-йўриқ ва маслаҳатлар олади. У ҳар бир тадбирни агротехника қоидалари ва тажрибалар асосида ўтказиш мўл ҳосил етиштиришнинг бош омили эканини таъкидлайди.

**Холмурод ҚУРБОНОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Қорақалпоғистон Республикаси

**Бугун ишбилармонлар давлатимиз томонидан яратилаётган кенг имкониятлар, уларга берилаётган имтиёзлардан унумли фойдаланиб, ички бозорларимизни импорт ўрнини босувчи сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш, ўз навбатида, аҳолининг турмуш фаровонлиги яхшилашда ҳам фаол иштирок этмоқда.**

# ТАДБИРКОРЛАР УЧУН КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР

Қорақалпоғистон Республикаси давлат солиқ бошқармасида "Тадбиркорлик ривожи – фаровонлик гарови" мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Унда соҳа мутахассислари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Таъкидланганидек, Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, солиқ тизимини такомиллаштириш, тадбиркорлик субъектларига кенг имконият ва имтиёзлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тадбирда давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 22 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, аҳолининг реал даромадларини ошириш мақсадида қатор солиқ ва мажбурий тўловларнинг ставкалари пасайтирилиб, қонун ҳужжатларига асосан берилган имтиёзлар муддати узайтирилгани хусусида сўз борди.

Жумладан, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига асоссиз аралашувларни чеклаш, текширишларнинг ошкоралигини таъминлаш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар ижобий самарасини бермоқда. Натижада жаҳон бозорига дадил кириб бораётган маҳаллий ишлаб чиқарувчилар сафи йил сайин кенгайиб бормоқда.

Анжуман сўнгида иштирокчилар солиқ қонунчилигига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар, тадбиркорлик фаолиятига оид саволларга батафсил жавоб олишди.

**Давуд АБИБУЛЛАЕВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

# БУГУНГИ ИШНИ ЭРТАГА ҚОЛДИРМАГАН ЮТАВЕРАДИ

**(Боши 1-саҳифада)**

Камолиддин Абдуллаев раҳбарлик қилаётган бошқарма мутахассислари, экскаваторчи ва тракторчилари шўр ювиш мавсумида фермерлар билан қадамбақадам юришга одатланишган. Вилоят бўйича 12207 гектар экин майдонида шўр ювиш ўтказилиши режалаштирилган. Ана шу майдоннинг барчаси "Улуғнор-Мазгилсой" ирригация тизими бошқармаси хизмат кўрсатадиган ҳудудга киради. Шу боис, ўтган йилнинг ноябрь ойи ўртасида Улуғнор туманида шўр ювиш билан боғлиқ кўргазмали семинар ўтказилди. Унда бажариладиган ҳар бир тадбир ижроси бўйича масъуллар тайинланди. Ер текислаш, чел олиш ва сув бериш бўйича шакллантирилган 25 та отряднинг вазифалари амалий машғулотда кўрсатиб берилди.



Мутахассислари хулосаси бўйича шўр ювилиши белгиланган далалар 384 та фермерга қарашлидир. Сув хўжалиги ходимлари фермерларга кўмакдош бўлиши қаторида техника воситалари билан ҳам ёрдам кўрсатишди. Фермер хўжаликларининг мингдан зиёд сувчилари мутахассислар тавсиялари асосида шўр ювишни ҳар қачонгидан кўра барвақт бошлашди ва дастлабки режани бажаришди. Энди навбат ўртача шўрланган 4426 гектар майдонда ушбу тадбирни иккинчи бор ўтказишга келмоқда.

Юқорида таъкидланганидек, "Улуғнор-Мазгилсой" ирригация тизими бошқармаси ҳудуди кенг бўлиб, Балиқчи ва Бўз туманларида ҳам шўр ювиш тадбири ўтказиладиган майдонлар бор. Бошқарма ирригаторлари далаларга сув етказиб беришдек масъулиятли вазифани сидқидилдан адо этишганликлари боис ишда узилишларга йўл қўйилмади. Ҳар бир канал, хўжаликлараро ва ички ариқлардан сув олиш учун кўрилган тайёргарлик фермерларнинг ишини тезлаштирди, албатта.

Айни кунларда кўплаб фермерлар кузда ҳайдов ўтказилган далаларда ер текислаш ишларини олиб боришмоқда. Текисланган ерларда эса пушта олинаётир. Кўп йиллик тажрибалардан маълумки, пуштага сув очиш ҳам кам шўрланган далалар учун фойдадан холи бўлмайди. Ана шу усулни жорий этган фермерлар эришаётган натижалар фикримизнинг тасдиғи бўлади. Дастлаб Балиқчи, Шаҳрихон сўнгра эса Олтинкўл ҳамда Улуғнор туманларида ушбу усул қўлланилган ва ҳозирда унга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Улуғнор туманидаги "Сардорбек келажаги" фермер хўжалигида пушта олиш аллақачон бошланган бўлиб, 70 гектар ғўза экиладиган майдон ерга чигит тушгунга қадар икки марта суғорилади. Фермер Отабек Абдулҳамидовнинг сўзига қараганда, бу ерларда тупроққа нисбатан қум кўпроқ. Бундай шароитда пушта орқали сув бериш самараси юқори бўлади. Пушта усулини ўзлаштирган кўплаб фермерлар ана шу тадбирни пешма пеш амалга оширишмоқда. Олтинкўл туманидаги "Истиқлол" фермер хўжалиги раҳбари Тоҳиржон Ражабов ўтган кузнинг охиридаёқ 30 гектар ерга пушта олиб қўйди. Шу кунларда қолган 10 гектарига ҳам пушта олиш учун ҳозирлик кўрмоқда. Бу хўжаликда ҳосилдорлик ҳамиша барқарорлигида пушта олиш ва сув беришнинг ҳам ҳиссаси бор эканлигини фермер ҳамиша бошқаларга уқтиради. Тоҳиржон Ражабов ва бошқа тажрибали деҳқонларнинг тан олишларича, пушта ғўзани ғўза қилиб ҳосилнинг ўн кун аввал пишишига кафолат бўлади.

Сўнгги йилларда Президентимиз ташаббуси билан сув хўжалиги объектларини янгилаш ёхуд қуришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада Улуғнор туманида амалга оширилган ишлар билан танишсангиз, сиз ҳам бунга гувоҳ бўласиз. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағлари ҳисобига ўнлаб йирик зовурлар қазилди ва тозаланди. Зовурларнинг сув тортиши яхшиланганлиги боис шўрланиш даражаси пасайди. Айни вақтда ишлатиш муддати ўтиб кетган каналлар, насос станциялари капитал реконструкция қилинмоқда.

Қишлоқ хўжалик корхоналарини таркибий қайта тузиш агентлиги томонидан "Қишлоқ хўжалиги корхоналарини қўллаб-қувватлаш 2-босқич" лойиҳаси доирасида 4 та объектнинг фойдаланишга топширилиши боис 2900 гектар экин майдонининг сув таъминоти яхшиланди. Ҳозирда 8,8 километр узунликдаги ички каналларда қурилиш-монтаж ишлари бормоқда. Тумандаги барча сувдан фойдаланувчилар уюшмаларига универсал иш бажарувчи кичик экскаваторлар, мотороллерлар берилди.



"Улуғнор-Мазгилсой" ирригация тизими бошқармаси жамоаси ана шу объектларнинг тўлақонли ишлатилишига масъул ҳисобланади. Мазкур тизим хизмат қиладиган ҳудуддаги каналларнинг умумий узунлиги 587 километрни ташкил этади. Мингдан ортиқ катта-кичик иншоотлар, 21 та дюкер, 20 та ташлама, 451 та сув олиш нуқтаси, 484 дона сув ўлчаш ускуналарининг барчаси мавсумга тахт қилиб қўйилди. Бошқарма ходимлари меҳнати билан 82 минг гектардан зиёд экин майдонига сув етказиб берилади. Ғалла, пахта ва бошқа экинлар ҳосилдорлигининг йилдан йилга ортиб бораётганлиги хизматнинг жойида эканлигидан далолатдир.

Қишнинг ўйноқи келаётганлиги ҳисобига ғаллани суғориш эртароқ бошланмоқда. Боғ ва токзорларга чилла суви беришга табиий талаб пайдо бўлмоқда. Ана шундай шароитда ирригаторлар жойларда бўлишиб фермерларнинг таклиф ва талаблари бўйича иш ташкил этишаётир.

**Қобилжон АСҚАРОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

9 ФЕВРАЛЬ – АЛИШЕР НАВОИЙ ТАВАЛЛУД ТОПГАН КУН

# СЎЗ ҚАСРИДАГИ СИНОАТЛАР

НАВОИЙ БОБОМИЗ ҚУРГАН СЎЗ ҚАСРИ ШУ ҚАДАР ЮКСАККИ, УНГА ҲАТТО ОСМОН ЖИСМЛАРИ ҲАМ ТЕНГЛАША ОЛМАЙДИ. У ОРИФЛИК МАСЛАГИНИНГ ДАҲОСИ, ҲАҚИҚАТ СИРЛАРИНИНГ КАШФ ЭТГУВЧИСИДИР.

**Буюк мутафаккирнинг “Лисон ут-тайр” асарида шундай мақолат бор: “Агар эътибор бериб қарасангиз, муз сумалаги билан шам сумалаги бир-бирига нақадар ўхшаш, аммо бирининг бошида – ўт, иккинчисининг бошида эса сув мавжуддир. Сув – совуқлик тимсоли, ўт эса иссиқлик манбаи. Ана шу совуқлик ва иссиқликнинг барқарорлашган жойида ҳаёт деган ҳилқат мавж уради”.**



Ушбу рамзий ташбеҳнинг замирида илмий қараш мужассам эканини англашимиз мумкин. Бепоён коинотда тадқиқот олиб бораётган фазогир олимлар ана шу иккала унсурнинг бири бўлмаган жойда ҳаёт мавжуд эмаслигини исботлашди. Навоийнинг буюклиги шундаки, унинг бадиий асарларида ҳам илмий ҳақиқатлар яширинган.

Шу пайтгача фанда тўртта томон (ғарб, шарқ, жануб, шимол) бор эканлиги айтилади. Навоийда ундай эмас, ул зот ана шу тўрт томонга Ер билан Осмонни ҳам қўшиб – олтита томон бор эканлигини уқтиради. Қайси томонга равона бўлмайлик, ҳазратнинг теран тимсоллари “осмонга чиқсак, оёғимиздан – ерга кирсак қулоғимиздан тортиб” энг тўғри йўлга бошлаб бораверади.

Диний ва дунёвий билимларни ўз тафаккурида мужассамлаштирган улуғ адибнинг асарларига назар солар эканмиз, унинг руҳиятида офтобнинг саховати мавжуд бўлиб, кўнгил жоми етти фалак ва ўн саккиз минг оламни акс эттириб тургандек бўлади гўё. Қушлар ўз қанотлари, комил инсонлар эса ақл-заковатлари билан юксакликка парвоз қилганларидек, Навоийнинг тенги йўқ тафаккури осмон томига нарвон, қуёш шамига шамдон ясаб шундай юксакликка кўтарилганки, биз уни кўзимиз илғаганча кўрамиз, кузатамиз. Аммо бенуқсон осмон гумбазига қараб ҳайратланганимиздек, ҳаяжонланамиз, холос.

“Ҳайрат ул-аброр”да “Сув турган жойига қараб рангини ўзгартиради”, деган сатр бор. Фаннинг исботлашича, ҳамма сувларнинг ранги бир хил. Аммо у қаерда турган бўлса, ўша жойнинг ҳавоси ва тупроғи таркибидаги турли хил минералларнинг таъсир кучидан таъсирланиб ранги ўзгарилиши аниқланди.

Аллома ўз асарларида “ўн саккиз минг олам”, “ўн саккиз минг олам ошиб” иборасини кўп бор таъкидлайди. Хўш, ўн саккиз минг олам нима? Чиндан ҳам шу оламлар борми ёки оддий халқ иборасидаги улкан чексизликнинг ҳали-ҳануз чизилмаган чегарасими?

Мутахассис олимларнинг таъкидлашича, телескоп, космик корабллар, радиотелескоплар, оптик телескоплар ёрдамида кўриб, эшитиб – мушоҳада қиладиган оламнинг чегараси метагаллактика деб аталади. Ёруғлик нури 1 секундда 300 минг километр масофани босиб ўтади. Шу тезликда бир йилда босиб ўтган йўли бир ёруғлик йили дейилади. Ердан метагалактиканинг чегарасигача бўлган масофа 20 минг ёруғлик йилига тенг деб айтилади. Ана шу метагаллактиканинг чегарасигача бўлган жойни биз кўрамиз – эшитиб ўрганамиз, ундан нарига ўтолганимиз йўқ. Навоийнинг “ўн саккиз минг олам аро”, “ўн саккиз минг олам ошиб” деб айтилган ибораларида ҳам буюк даҳо ўз замонида астрономик илмлардан хабардор бўлгани ва у қўйган чегара ҳозирги кунда ҳам ўз кучини йўқотмаганини айтишимиз лозим.

Буюк алломанинг асарларини тадқиқ қилар эканмиз, Ер қаъридан тортиб фалак юксаклигигача бўлган макону манзилларни, саъду сайёраларни бадиий безаклар билан афсонамонанд услубда баён этганини ва уларда илмий ҳақиқат ва кашфиётлар, файласуфона фасоҳатлар ётганини кўрамиз. Унинг асарларида келтирилган тарихий шахсларнинг номлари бежизга тилга олинмаган. Бадиий образ тимсолларини тўлдириб турган ушбу шахсларнинг ҳаётини ва фаолиятини тарих зарварақларидан синчиклаб ўрганадиган бўлсак, албатта, улар муҳим аҳамиятга молик бўлган воқеликнинг иштирокчиси ёки сабабчиси бўлиб чиққанини кўрамиз. Ёки олам, сайёра, баҳрул-уммон, иқлим ва шаҳар номлари ҳам шунчаки танлаб олинмаган. Бунда ҳам буюк алломанинг руҳиятига ёки шахсий ҳаётига қандайдир бир алоқадорлик жиҳатларини сезишимиз мумкин.

Ўзининг шоҳ асарлари билан миллат шаънини осмон қадар кўтарган ҳазрат Навоий бобомиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Чунки унинг тафаккур тахайюли чексиз коинот қаърherидек сирли ва сururлидир.

**Ботир Али ИМОМОВ,**
**журналист.**

# Оламда нима гап?

## ЕР ЯҚИНИДА АСТЕРОИД

**2013 йилда олимлар томонидан “2013 TX68” деб номланган астероид кашф қилинган эди. Ўшанда у Ер сайёрасидан 2 миллион километр масофадан учиб ўтган.**

5 март куни ушбу осмон жисми яна Ерга яқинлашиб, бор-йўғи 17 минг километр узоқликдан парвоз қилади. Бу ҳақда NASAга асосланиб nesekretno.ru хабар қилмоқда.

Мутахассисларнинг тасдиқлашича, объектнинг ҳаракатланиш траекториясини аниқ ҳисоблаб чиқиш имконсиз. Уни кузатишга эса жуда қисқа фурсат бор. Шуниси аниқки, астероид Ерга хавф туғдирмайди.

Маълум қилинишича, “2013 TX68” астероидининг



Ерга кейинги яқинлашуви 2017 йилнинг 17 сентябрида содир бўлади. Ҳисоб-китобларга кўра, икки йилдан кейинги парвознинг Ерга хавф солиш эҳтимоли 250 миллиондан бир улушга тенг бўлади.

## 4,5 МИНГ ЁШЛИ ҚАЙИҚ

**Мисрда чехиялик археологлар томонидан ёши 4,5 минг йилга тенг бўлган ва турли маросимларда фойдаланиб келинган дея тахмин қилинаётган қайиқ топилди. Бу ҳақда foxnews.com хабар қилмоқда.**



Маълум қилинишича, ёғоч қайиқнинг бўлаклари Қоҳира шаҳрининг жанубидаги Абу Сайр туманида, эрамиздан тахминан 2,5 минг йил олдин ҳукмронлик қилган III ёки IV фиръавнлар сулоласи даврида яшаб ўтган амалдорнинг мақбараси яқинида топилган.

Қайиқнинг узунлиги 18 метрга етади. Шунингдек, археологлар қадимий кема қисмларини бир-бирига бириктиришда ишлатилган арқон бўлакларини ҳам топишди.

## “РОБОТЛАР ОЛИМПИАДАСИ”ГА ТАЙЁРГАРЛИК

**Токиода 2020 йилда бўлиб ўтадиган “роботлар олимпиядаси”га қандай “спорт турлари” киритилиши масаласи муҳокама қилинмоқда. Бу ҳақда novostipmr.com хабар қилмоқда.**

Муҳокамалар Иқтисодиёт, савдо ва саноат вазирлиги қошидаги махсус қўмита томонидан ташкиллаштирилди. Унга тадбиркорлар, амалдорлар ва экспертлар жалб этилган.

Қўмита аъзоларининг фикрича, мусобақалар ишлаб чиқариш, мижозларга хизмат кўрсатиш ва беморларни парваришлаш каби уч йўналишда ўтказилиши керак. Бир йил ичида мазкур йўналишлар мусобақага катта драматик руҳ бериши учун янада аниқлаштирилади. Масалан, роботлар ўртасида маҳсулотларни кўпроқ қадоқлаш, кексаларни ха-



ридлар учун сайрга олиб чиқишда уларга йўлбошловчилик қилиш ва бошқалар инобатга олинади.

Ушбу мусобақани Япония пойтахтида бўлиб ўтадиган ёзги Олимпия ўйинлари билан бир вақтда ташкиллаштириш режалаштирилмоқда.

## ҚАҲВАНИНГ ФОЙДАСИ НИМАДА?

**“Кунига икки бора қаҳва ичилса, бу жигар циррози таҳдидини икки баробарга камайтиради”. “Alimentary Pharmacology & Therapeutics” журналида чоп этилган британиялик олимлар гуруҳи томонидан ўтказилган мета-таҳлил натижаларида шундай дейилади.**



Олимлар 1994-2015 йиллар давомида ўтказилган 2 мингдан ортиқ тадқиқотлар натижаларини ўрганиб, шундай хулосага келишди: қаҳвани кунига икки бора истеъмол қилиш цирроз келиб чиқиш хавфини 44 фоизга, ундан ўлиш хавфини эса 50 фоизга қисқартиради.

Бу таъсир нима билан боғлиқлиги ҳали тушунарсиз. Муаллифлар қаҳва кофеиндан бошқа бир қатор муҳим моддаларни ўз ичига олишини эслатиб ўтишди, улар орасида аксилоксидатив ва яллиғланишга қарши бирикмалар (кафестол, кавеол, хлороген кислотаси) бор. Булар жигарнинг қўшимча ҳимоясини таъминлаб беришга қодир, дейилади medportal.ru хабарида.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

○ Реклама ва эълонлар







**МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

“Қишлоқ ҳаёти” газетасининг 2016 йил 30 январдаги №13 (8564)-сонида Андижон вилояти ҳокимлиги “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси томонидан берилган эълондаги “ЛОТ 4-3. Марҳамат тумани “Полвонтош” ҚФЙ “Оқбош” МФЙдаги ташқи сув тармоғи (7.0 км.) қурилиши” объектининг бошланғич нархи “ҚҚСсиз 1.499.901.562 сўм” жумласи “ҚҚСсиз 1.552.634.238 сўм” деб ўқилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан Ўзбекистон пахтачилик илмий-тадқиқот институтидаги ихтисослашган кенгашнинг тавсиясига кўра 16.04.1998 й.да 01 № 003440 рақам билан Турдышев Бекмурат Хожамуратович номига берилган қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди илмий даражаси берилганлигини тасдиқловчи диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.




Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Шуҳрат ТЕШАЕВ, Улуғбек УЗОҚОВ, Содиқжон ТУРДИЕВ, Омонулла ЮНУСОВ, Яшин ХИДИРОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Фарҳод ОМОНОВ, Абдиваҳоб ТАМИКАЕВ, Ботир СУЛАЙМОНОВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Анвар ҚУЛМУРОДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб).

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

ISSN 2010-7021

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона — 236-26-50, Котибият — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 233-76-78, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 236-26-49, Маънавият ва маърифат бўлими — 236-26-35, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-76-78, Факс — 233-44-43, 233-09-93.

ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:
Қорақалпоғистон Республикаси – (+99890) 592-62-04; ВИЛОЯТЛАР: Андижон – (+99893) 630-73-03; Бухоро – (+99891) 401-29-59; Жиззах – (+99893) 940-00-27; Навоий – (+99894) 374-77-62; Наманган – (+99893) 948-53-86; Фарғона – (+99890) 407-76-03; Самарқанд – (+99893) 994-57-08; Сирдарё – (+99894) 168-23-60; Сурхондарё – (+99890) 519-86-50; Тошкент – (+99890) 976-39-58; Хоразм – (+99890) 438-71-25; Қашқадарё – (+99891) 635-08-03.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР: 236-26-50, 233-28-04.

Навбатчи муҳаррир: А.ҚАРШИЕВ
Мусаҳҳиҳ: М.БОБОМУҲАММЕДОВА
Дизайнер: Н.ТЕМИРОВ

Газета сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.

Буюртма Г-219, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 21.25
23907 нусхада чоп этилди. Нашр индекси — 144

Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

E-mail: info@qishloqhayoti.uz

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5